

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА НУТҚ УСЛУБЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

HISTORY OF THE STUDY OF SPEECH STYLES IN UZBEK LINGUISTICS ИСТОРИЯ ИЗУЧЕНИЯ СТИЛЕЙ РЕЧИ В УЗБЕКСКОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

Ахмаджонова Шахноза Толибжон қизи

ФДУ, Инглиз тили кафедраси ўқитувчиси

st.axmadjonova@pf.fdu.uz

Аннотация: ўзбек тилшунослигида нутқ услубларининг ўрганилиш тарихига назар, ўзбек тилшуносларининг вазифавий услубшунослик йўналишига қўшган хиссаси.

Калит сўзлар: вазифавий услубшунослик, нутқ услублари, илмий услуб, стилистика.

Abstract: the contribution of Uzbek linguists to the direction of functional stylistics, looking at the history of the study of speech styles in Uzbek linguistics.

Key words: functional stylistics, speech styles, scientific method, stylistics.

Аннотация: вклад узбекских лингвистов в направление функциональной стилистики, взгляд на историю изучения стилей речи в узбекском языкоznании.

Ключевые слова: функциональная стилистика, стили речи, научный метод, стилистика.

Кишилар ўз ижтимоий фаолиятларида тилдаги барча воситалардан – фонетик, лексик, грамматик, фразеологик бирликлардан фойдаланганларида, аввало, уларни ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, нутқ мавзусига, вазиятга қараб танлайдилар ва қўллайдилар. Тилимиздаги воситаларнинг турлича кўринишларга эга бўлиши, синонимик ранг-баранглик шундай йўл тутишга имкон беради. Мана шу танлаш нутқ жараённада тил бирликларининг ўзига хос услугий чегараланишини тақозо қиласди. Тил бирликларини ижтимоий муҳитда танлаб ишлатиш зарурати ва уларни тилшуносликда илмий-амалий таҳлил қилиш услубшуносликда янги соҳани – вазифавий услубшуносликни вужудга келтирди.

Умумхалқ тили воситаларининг бундай танлаб ишлатилиши нутқнинг турлича кўринишларининг пайдо бўлишига олиб келиб, бу “нутқ услублари” деб юритилади.

Нутқ услублари лексик-грамматик жиҳатдан фарқланиб туради. Масалан, сўзлашув услубида одатдаги тартиб турлича ўзгариб турса, терминлар, мураккаб тузилган қўшма гаплар кам ишлатилса, илмий услубда бунинг акси кузатилади.

Ўзбек тилшунослигининг бугунги тараққиётида Функционал Услубларни ўрганиш социолингвистик жиҳатдан ғоятда долзарб масалага айланди. Бунинг асосий сабабларидан бири, мустақиллик шароитида ўзбек луғат таркибида бўлган жиддий ўзгаришлар, тилнинг турли муомала жараёнида алоқа имкониятларининг кенгайганлиги ва тобора такомиллашиб бораётганлиги ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослиги замонавий фан сифатида шаклланганидан сўнг, аникроғи XX асрнинг 60- йиллардан бошлаб тил ва услуб масалалари бўйича муайян тадқиқотлар яратила бошланди. Ўзбек тилшунослари жаҳон тилшунослигида, жумладан туркологияда эришилган ютуқларга таянган ҳолда, стилистика фанининг предмети, унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат эканлигини аниқлашга ва шу билан ўзбек тили стилистикаси фанининг назарий асосларини яратишга киришдилар. Тилшунослигимизда услубшунослик ва нутқ маданияти каби мустақил йўналишлар шаклланди.

Ўзбек тилшунослигига XX асрнинг катта ютуқлардан бири бўлган А.Шомақсудовнинг⁴ дарслигига бу фанининг предмети, мақсад ва вазифалари, тил стиллари ва нутқ стиллари, функционал услублар, синонимия каби қатор муаммоларни бирмунча тартиб билан ёритилган. Бироқ ушбу дарслик ўзбек тили стилистикасининг тўғри йўлдан ривожланиб бораётганлигидан далолат берса-да, бу китоб бугунги кунда илмий жиҳатдан янгиланишга муҳтож. Кўплаб тадқиқотлар тарқоқ ҳолда олиб борилди. Ушбу тадқиқотлар бугунги

⁴ А.Шомақсудов “Ўзбек тили стилистикаси” (Т.,1983)

кунда яхлитлаштиришга муҳтож. Умуман, ўзбек тили вазифавий услубларини чуқур ўрганиш, бу услублар бўйича яратилган айрим тадқиқотларни тўлиқ илмий таҳлил қилиш ва замонавий тавсифини бериш, бу борада жаҳон тилшунослигига яратилган илмий тадқиқотлар билан қиёслаш орқали туркона хусусиятларини ёритиш тилшунослигимизнинг бугунги кундаги муҳим масалаларидан биридир.

Ўзбек тилида бир қанча олимларимиз томонидан услублар тадбиқ этилган, ўрганилган. М.Мукаррамов, А.Шомақсудов, Р.Қўнғуров, С.Каримов, Т.Қурбоновлар, Б.Ўринбоев, Б.Йўлдошевларнинг⁵ яратган дарслик, ўкув-услубий қўлланмалари чиқарилган. Жумладан, мустақиллик йилларида ўзбек тилининг вазифавий услублари борасида яратилган муҳим асар профессор Суюн Каримовнинг монографияси⁶дир. Профессорнинг тадқиқотида ўзбек тили вазифавий услубларининг фонетик, грамматик, лексикологик, лексикографик, фразеологик хусусиятлари аниқлаштирилган. Вазифавий услублардаги мантиқийлик, изчиллик, ифодалилик ва таъсирчанликни таъминлаган нутқий воситалар атрофлича тадқиқ этилган. Монографияда яна вазифавий услубшуносликнинг ўзбек тилшунослигига алоҳида илмий соҳа сифатида шаклланиш босқичлари белгиланган. Ўзбек тилининг стилистик ресурсларини таҳлил қилиш билан бирга, бу борада кейинги ўн йилликларда эришилган ютуқлар умумлаштирилган. Уларга мустақиллик даври талабларидан келиб чиқиб баҳо берилган. Вазифавий услубшуносликнинг инсон фаолияти у ёки бу алоқа доирасида амал қилиш, уларни танлаш принциплари ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида амалга оширилиш вазияти белгиланган⁷.

⁵ М.Мукаррамов “Хозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили”; А.Шомақсудов “Ўзбек адабий стиллари хакида”; Р.Қўнғуров, С.Каримов, Т.Қурбоновлар “Ўзбек тилининг функционал стиллари”; Б.Ўринбоев “Функционал услубият ва унинг моҳияти”, “Ўзбек тили сўзлашув нутки синтаксиси масалалари”; Б.Йўлдошев “Тилнинг ижтимоий моҳияти”

⁶ Суюн Каримов, “Ўзбек тили функционал стилистикаси”, Самарқанд-2010

⁷ Суюн Каримов, “Ўзбек тили функционал стилистикаси”, Самарқанд-2010

Ўзбек тилшунослигига нутқи услублари тасниф қилишнинг ягона хуласа ишлаб чиқилган бўлмаса-да, бу борада олимларимиз ўз қарашларини айтиб ўтишган. Нутқи услублари миқдорининг турлича эканлиги ҳақидаги фикрлар олимлар томонидан инсонларнинг турмуш тарзи, ижтимоий-иктисодий даражаси, тилнинг қанчалик ривожланганлиги ва ундан фойдаланиш маданиятига қараб аниқланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Шомақсудов “Ўзбек тили стилистикаси” (Т.,1983)
2. М.Мукаррамов “Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили”
3. А.Шомақсудов “Ўзбек адабий стиллари ҳақида”; Р.Кўнғуров, С.Каримов, Т.Қурбоновлар “Ўзбек тилининг функционал стиллари”; Б.Ўринбоев “Функционал услубият ва унинг моҳияти”, “Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари”; 6. Б.Йўлдошев “Тилнинг ижтимоий моҳияти”; Суюн Каримов, “Ўзбек тили функционал стилистикаси”, Самарқанд-2010
4. Muzaffarovna, A. N., & Qizi, A. S. T. (2020). Characteristic features of word formation of a newspaper article in English and Uzbek languages. Проблемы современной науки и образования, (2 (147)), 41-43.
5. Axmadjonova, S. (2022). INGLIZ VA O ‘ZBEK TILIDAGI GAZETA MAQOLALARIDA SO ‘Z YASALANISHNING XARAKTERIK XUSUSIYATLARI. *Science and innovation*, 1(B8), 155-159.